

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ГАЛИЕВА ЗУЛЬФИЯ ИБРАХИМОВНА

**ХИТОЗАННИНГ НАНОСТРУКТУР КОМПОЗИЦИОН
БИРИКМАЛАРНИНГ ГЕПАТОПРОТЕКТОРЛИК ТАЪСИРИНИНГ
МОЛЕКУЛЯР МЕХАНИЗМЛАРИ**

03.00.01 – Биокимё

**биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of phylosophy (PhD)

Галиева Зульфия Ибрахимовна

Хитозаннинг наноструктур композицион
бирикмаларнинг гепатопротекторлик таъсирининг
молекуляр механизмлари..... 3

Галиева Зульфия Ибрахимовна

Молекулярные механизмы гепатопротекторного
действия наноструктурных композиционных
соединений хитозана..... 21

Galieva Zulfiya Ibraximovna

Molecular mechanisms of hepatoprotective
action of nanostructured composite compounds
of chitosan..... 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 46

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ГАЛИЕВА ЗУЛЬФИЯ ИБРАХИМОВНА

**ХИТОЗАННИНГ НАНОСТРУКТУР КОМПОЗИЦИОН
БИРИКМАЛАРНИНГ ГЕПАТОПРОТЕКТОРЛИК ТАЪСИРИНИНГ
МОЛЕКУЛЯР МЕХАНИЗМЛАРИ**

03.00.01 – Биокимё

**биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/В713 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Иноятова Фируза Ҳидоятовна
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Хайбулина Зарина Руслановна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Эргашева Мукаррам Жўрабаевна
биология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Абу Али ибн Сино номидаги
Бухоро давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2025 йил « _____ » _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй, Тошкент тиббиёт академиясининг 10-ўқув биноси, 1-қават. Тел./факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: info@tma.uz).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани Фаробий кўчаси 2-уй; Тошкент тиббиёт академиясининг 2-ўқув биноси «Б» корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел./факс: (99878) 150-78-14)

Диссертация автореферати 2025 йил « _____ » _____ да тарқатилди.

(2025 йил « _____ » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Г.И. Шайхова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Ш. Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

М.Ж. Аллаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раиси, биология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда охириги 10-20 йил ичида жигар касалликлари сабабли ўлим икки баравар кўпаяди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) ҳисоботида кўра, «...ушбу касаллик сабабли вафот этаётганлар сони доимий равишда ўсиб бормоқда...»¹. Турли омиллар таъсирида ривожланган жигар шикастланишининг юқори даражаси унинг гомеостазни сақлашдаги етакчи роли, оксиллар, липидлар, углеводлар, нуклеин кислоталар ва бошқа моддалар алмашинувида иштирок этиши билан боғлиқ. Гепатоцитлардаги структур ва функционал ўзгаришлар, улардаги синтетик жараёнларнинг секинлашиши, метаболик жараёнларнинг бузилиши жигарнинг детоксикация функциясининг пасайишига сабаб бўлади, биологик муҳитларда эндо- ва экзобиотикларнинг тўпланишига, эндотоксемия ривожланиши эса кўп аъзолар етишмовчилиги ривожланишига ва асосий касалликнинг кечишини янада оғирлашишига олиб келади. Гепатоцитларда ёғларнинг перекисли оксидланиши (ЁПО), апоптознинг иммун тизимга ва митохондрияларга боғлиқ йўллариининг фаоллашуви кузатилади. Нуклеар омилнинг (NF-κB) фаоллашуви адгезив оксиллар (E-селектин, VCAM-1, ICAM-1) генларининг экспрессияси натижада лейкоцитларнинг трансэндотелиал миграцияси кучайди, яллиғланишга олиб келувчи цитокинлар ва индуцибел ферментлар (циклооксигеназа-2, коллагеназа, iNO-синтаза) синтезини оширади. Шунинг учун токсик моддалар таъсирида жигарнинг шикастланиш механизмларини ўрганиш ва олинган натижалар асосида янги табиий гепатопротекторларни яратиш замонавий экспериментал ва клиник гепатологиянинг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда жигарнинг токсик шикастланиш механизмларини чуқур таҳлил қилиш, эрта ташҳислаш ва уларни олдини олиш, ҳамда даволашни такомиллаштириш бўйича қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада тажриба шароитида тиббиёт амалиётида қўлланиладиган синтетик ва ўсимлик препаратларининг ноҳуя таъсирини баҳолаш, хитозан негизидаги антикоагулянт, регенератив, антиатеросклеротик таъсирга эга бўлган бир қанча бирикмалар, шунингдек уларнинг нано ҳосилаларини гепатопротектив таъсирини ўрганиш, уларнинг гепатопротектор таъсири механизмини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар алоҳида илмий аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимини жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, жигарнинг токсик шикастланиши механизмини чуқур таҳлил қилиш асосида эрта ташҳис қўйиш ва даволаш чора-тадбирларини оптималлаштириш бўйича муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти устувор йўналишига мувофиқ, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янги босқичга кўтариш мақсадида «...бирламчи тиббий-санитария ёрдами бўйича аҳолига малакали

¹ <https://www.who.int/news/item/09-04-2024-who-sounds-alarm-on-viral-hepatitis-infections-claiming-3500-lives-each-day>

хизмат кўрсатиш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда жигарнинг шикастланиш механизмларини аниқлашга ва гепатотроп таъсирга эга дори воситаларини яратиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятига принципиал янги механизмларини жорий этиш ва соғлиқни сақлаш тизимини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 10 февралдаги ПҚ-5199-сон «Ўзбекистон Республикасида гематология ва трансфузиология хизматларини ривожлантириш, шунингдек онкогематологик ва даволаб бўлмайдиган касалликларга чалинган шахсларни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида», 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлашнинг комплекс ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республикада фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёнинг етакчи олимлари томонидан жигарнинг вирусли ва токсик шикастланишларининг эпидемиологияси, клиникаси, патогенези, молекуляр механизмлари, ўткир токсик шикастланишининг экспериментал моделлари ўрганилган, жигар шикастланишларини эрта ташхислаш усуллари, шунингдек, ушбу патологияни даволашнинг асосий тамойиллари ишлаб чиқилган. Жумладан, хорижий олимлардан Asrani S.K., Devarbhavi H., Eaton J., Kamath P.S. (2019) жигар касалликлари тарқалиши; Европа жигар касалликларини ўрганиш ассоциацияси (EASL) томонидан гепатитларни (А, В, С ва жигар циррозини) даволаш бўйича клиник кўрсатмалар ишлаб чиқилган; Engelman C., Claria J., Srabo G., et al. (2021) жигар циррози ва портал гипертензия ривожланишининг патофизиологик механизмларини ўрганишган; Larrey D., Ursic-Bedoya J., Meunier L. (2017) дори воситаларнинг гепатотоксик таъсирини; Fan Yue, Chou Yang Peng, Peng Shan ва бошқалар (2023) жигарни вирусли зарарланишида sFAS/FASL омиллари гепатоцитлар апоптозида аҳамиятини таҳлил қилишган. Хорижий олимлардан Azman M., Mahmoud S., Hills A., et al. (2021) томонидан хитозан ва унинг нано хосилалари хусусиятларини биокомпозит материаллар сифатида таҳлил қилинган. Dmur I., Islam N. (2022) хитозанни вакциналар ишлаб чиқаришда адъювант сифатида қўллаш имкониятларини асослаб берган; Konstantin S.M., Lupascu F.G., Apotrosoai M., et al. (2020)

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

хитозанни гипогликемик таъсирини исботлаган; Werle A., Minke S., Stevens C. (2017), Said A., Haider A., Zahid S., et al. (2019) хитозан ва унинг хосилаларини микроорганизмларга ва замбуруғларга қарши таъсирини баҳолашган.

МДХ мамлакатларида жигарнинг диффуз касалликларининг этиологияси, патогенези, диагностикаси ва даволаш усуллари ўрганилган (В.Т. Маевская, С.Д. Подимова, А.Г. Комова, 2021). Д.И. Трухан (2016) жигар энцефалопатиясининг асосий механизмлари ва даволаш тамойилларини текширган. Хитин/хитозан ва хосилаларининг фундаментал ва амалий томонлари ўрганилган (В.П. Варламов, А.В. Ильина, Б.Ц. Шагдарова, А.П. Луньков, И.С. Мысякина, 2020). Л.Л. Бркич (2019) хитозан тутувчи фармацевтик субстанциялар асосида комбинирланган дори воситалар олиш технологияларини ишлаб чиққан. Л.А. Смирнова, И.А. Глазова, А.Е. Мочалова, О.Г. Замышляевалар (2015) хитозанни инсулин билан интерполимер комплексларини яратиш билан шуғулланишган.

Ўзбекистонда болаларда жигар касалликларининг эпидемиологияси, патогенези, клиник кўриниши ва даволаш усулларини ишлаб чиқиш (Ф.И. Иноятова, 2009), жигар вирусли шикастланишларининг этиологияси, патогенези, клиник кўриниши ва даволаш усулларини ўрганиш (Э.И. Мусабаев, 2000), токсик жигар шикастланиши патогенези (Н.Х. Абдуллаев, К.Я. Каримов, 1989), жигар касалликларини ўсимлик препаратлари билан даволаш (З.З. Ҳакимов, 2023; А.Х. Раҳманов, Ф.Х. Иноятова, 2023) бўйича қатор илмий ишлар олиб борилган. Бироқ, жигарнинг ўткир токсик шикастланиши моделида хитозаннинг янги нано хосилаларини таъсир молекуляр механизмлари ўрганилмаган.

Шундай қилиб, адабиёт маълумотларини таҳлил қилиш турли хил жигар шикастланишларининг кўпайиши мойиллигини кўрсатади. Турли хил таъсир механизмларига эга бўлган гепатопротекторлар мавжудлигига қарамадан, уларнинг самарадорлиги пастлигича қолмоқда, бу эса янги юқори самарали гепатопротекторларни ишлаб чиқиш ва уларнинг таъсир қилиш механизмини ўрганиш заруратини тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлар режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлар режасига мувофиқ №011800232 «Айрим патологик ҳолатлар ривожланишининг молекуляр ҳужайрали механизмлари ва уларни тузатиш» (2019-2022 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади жигарнинг ўткир токсик шикастланиши моделида хитозаннинг янги нано хосилаларини таъсир молекуляр механизмларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўткир токсик гепатит моделида хитозан ҳосилаларининг гепатопротектив дозасини аниқлаш;

ўткир токсик гепатитда апоптознинг иммунитетга боғлиқ механизми (NF- κ B ядро омили, sFAS-лиганд (FASL)) бузилишларини тузатишда янги хитозан наноҳосилаларининг таъсирини баҳолаш;

каламушларда чақирилган жигарнинг ўткир токсик шикастланиши ва уни хитозан ҳосилалари билан коррекциялаш шароитида цитозол, холестаза, мезенхимал яллиғланиш ва жигар-хужайра етишмовчилиги асосий параметрларини аниқлаш;

морфологик тадқиқотлар асосида хитозан ҳосилаларининг гепатопротектив хусусиятларини асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўткир токсик жигар шикастланиши чақирилган 178 та тажриба ва 18 та интакт зотсиз оқ каламушлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида хитозаннинг маҳаллий янги ҳосилалари (ипак қурти ғумбаги чиқиндиларидан олинган юқори ва паст молекуляр хитозан, хитозаннинг наноаскорбат ва наносулфат хитозан), тажриба ҳайвонларнинг периферик қон зардоби биокимёвий кўрсаткичлари ва жигар тўқимаси бўлакчалари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда ўткир токсик гепатитли каламушларда хитозан бирикмаларининг гепатопротектив фаоллигини баҳолаш учун биокимёвий, иммунофермент, морфологик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк маротаба жигарнинг ўткир тетрахлорметанли шикастланиши моделида юқори молекуляр (ЮМХ) ва паст молекуляр хитозан (ПМХ), шунингдек наносулфат хитозан (НСХ) ва наноаскорбат хитозан (НАХ) нинг мос равишда 10 мг/кг, 25 мг/кг, 10 мг/кг ва 50 мг/кг микдордаги гепатопротектив дозалари аниқланган;

биринчи марта жигарнинг ўткир токсик шикастланишини даволашда цитоллиз синдромлари, мезенхимал яллиғланиши, холестаза ва гепатоцеллюляр етишмовчиликни коррекциялаш билан намоён бўлган наносулфат хитозаннинг юқори самарадорлиги исботланган;

жигарнинг ўткир токсик шикастланишини наносулфат хитозан билан даволашда ядро транскрипцияси омили экспрессияси сусайиши ва sFAS-лиганд даражасини пасайиши аниқланган;

хитозан наносулфатни 10 мг/кг дозада қўллашда жигар тўқималарида регенератив жараёнларнинг кучайиши, Knodel бўйича гистологик индекснинг 3,6 баллгача, шунингдек, яллиғланиш реакциясининг биокимёвий индексининг минимал даражага пасайиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

жигарнинг ўткир шикастланишида нафақат апоптознинг нозик молекуляр механизмлари, балки наносулфат хитозаннинг гепатопротектор сифатидаги таъсири аниқланган;

гепатопротектив бирикмаларнинг дозалари асосланган;

наносулфат хитозаннинг юқори гепатопротектив самарадорлиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган

биокимёвий, иммунофермент, морфологик ва статистик тадқиқот усуллари асосида жигар шикастланиши механизмида моддалар алмашинуви бузилишларини баҳолашнинг ўзига хослиги, халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тетрахлорметаннинг яллиғланиш-дистрофик жараёнларни бошлаб берадиган NF-κB ядро омили ва sFAS-лиганд экспрессияси билан намоён бўладиган гепатотоксик таъсири молекуляр механизмлари ёритилганлиги, хитозан ҳосилаларининг гепатопротектив таъсири молекуляр механизмларига аниқлик киритилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти гепатопротектор сифатида хитозан ҳосилалари танланган, каламушлардаги жигар ўткир токсик шикастланишларини даволашда хитозан ҳосилаларининг дозалари аниқланган, жигарнинг ўткир токсик шикастланишлари экспериментал фармакотерапиясида хитозаннинг наносулфатини қўллаш самарадорлиги ва унинг иқтисодий рентабеллиги кўрсатиб берилган, бу эса уни клиник гепатологияда қўллаш учун рухсат олиш учун ЎзР Фармакология қўмитасига тегишли ҳужжатларни тақдим этишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги. Хитозаннинг нанотузилмали композицион бирикмаларининг гепатопротектив таъсирининг молекуляр механизмлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: илк маротаба жигарнинг ўткир тетрахлорметанли шикастланиши моделида ЮМХ ва ПМХ, шунингдек НСХ ва НАХнинг мос равишда 10 мг/кг, 25 мг/кг, 10 мг/кг ва 50 мг/кг миқдоридаги гепатопротектив дозалари аниқланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академиясининг Мувофиқлаштирувчи кенгаши томонидан 2024 йил 13 майда 05-24/311-т-сон билан тасдиқланган “Хитозан ҳосилалари билан жигар шикастланишларида метаболик бузилишларни коррекция қилиш” услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Тошкент педиатрия тиббиёт институти бўйича 12.06.2024 йилдаги 322-сон ва Республика патологик анатомия маркази бўйича 05.06.2024 йилдаги 28/1-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2024 йил 26 ноябрдаги 09/21-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлик:* ЮМХ, ПМХ, НСХ ва НАХнинг гепатопротектив хусусиятларини ўрганиш ва талқин қилиш жигарнинг ўткир ва токсик шикастланишларини даволашда самарадорликни аниқлаш нуктаи назаридан муҳим аҳамиятга эга. *Иқтисодий самарадорлик:* маҳаллий хомашё асосида ишлаб чиқарилган препаратлардан даволаш жараёнида фойдаланиш ўткир токсик гепатитни даволаш муддатини қисқартириш натижасида муайян бюджет маблағлари иқтисод қилинади;

иккинчи илмий янгилик: биринчи марта жигарнинг ўткир токсик шикастланишини даволашда цитоллиз синдромлари, мезенхимал яллиғланиши, холестаза ва гепатоцеллюляр етишмовчиликни коррекциялаш билан намоён

бўлган наносулфат хитозаннинг юқори самарадорлиги исботланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академиясининг Мувофиқлаштирувчи кенгаши томонидан 2024 йил 13 майда 05-24/311-t-сон билан тасдиқланган “Хитозан ҳосилалари билан жигар шикастланишларида метаболик бузилишларни коррекция қилиш” услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Тошкент педиатрия тиббиёт институти бўйича 12.06.2024 йилдаги 322-сон ва Республика патологик анатомия маркази бўйича 05.06.2024 йилдаги 28/1-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2024 йил 26 ноябрдаги 09/21-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлик:* НСХ препаратлари билан юқоридаги синдромларни коррекция қилиш ўткир токсик жигар шикастланишларини даволашда жуда самарали ҳисобланади. *Иқтисодий самарадорлик:* маҳаллий хомашё асосида ишлаб чиқарилган препаратлардан даволаш жараёнида фойдаланиш ўткир токсик гепатитни даволаш муддатини қисқартириш натижасида муайян бюджет маблағлари иқтисод қилинади;

учинчи илмий янгилик: жигарнинг ўткир токсик шикастланишини наносулфат хитозан билан даволашда ядро транскрипцияси омили экспрессияси сусайиши ва sFAS-лиганд даражасини пасайиши аниқланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академиясининг Мувофиқлаштирувчи кенгаши томонидан 2024 йил 13 майда 05-24/311-t-сон билан тасдиқланган “Хитозан ҳосилалари билан жигар шикастланишларида метаболик бузилишларни коррекция қилиш” услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Тошкент педиатрия тиббиёт институти бўйича 12.06.2024 йилдаги 322-сон ва Республика патологик анатомия маркази бўйича 05.06.2024 йилдаги 28/1-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2024 йил 26 ноябрдаги 09/21-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлик:* ушбу молекуляр ўзгаришларнинг коррекцияси препарат самарадорлигини белгилайди ва ўткир токсик жигар шикастланишларини даволашда муҳим аҳамиятга эга. *Иқтисодий самарадорлик:* маҳаллий хомашё асосида ишлаб чиқарилган препаратлардан даволаш жараёнида фойдаланиш ўткир токсик гепатитни даволаш муддатини қисқартириш натижасида муайян бюджет маблағлари иқтисод қилинади;

тўртинчи илмий янгилик: хитозан наносулфатни 10 мг/кг дозада қўллашда жигар тўқималарида регенератив жараёнларнинг кучайиши, Knodel бўйича гистологик индекснинг 3,6 баллгача, шунингдек, яллиғланиш реакциясининг биокимёвий индексининг минимал даражага пасайиши исботланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академиясининг Мувофиқлаштирувчи кенгаши томонидан 2024 йил 13 майда 05-24/311-t-сон билан тасдиқланган “Хитозан ҳосилалари билан жигар шикастланишларида метаболик бузилишларни коррекция қилиш” услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Тошкент педиатрия тиббиёт институти бўйича 12.06.2024 йилдаги 322-сон ва Республика патологик анатомия маркази бўйича 05.06.2024 йилдаги 28/1-сон буйруқлари билан амалиётига жорий

этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2024 йил 26 ноябрдаги 09/21-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлик*: регенератив жараёнларнинг, Knode1 индекси ва яллиғланиш биомаркерларининг ўрганилиши жигар шикастланишларини самарали даволашда муҳим. *Иқтисодий самарадорлик*: маҳаллий хомашё асосида ишлаб чиқарилган препаратлардан даволаш жараёнида фойдаланиш ўткир токсик гепатитни даволаш муддатини қисқартириш натижасида муайян бюджет маблағлари иқтисод қилинади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг чоп қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий мақола чоп этилган, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган журналларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий илмий журналларида чоп этилган, 1 патент олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва талаб қилинганлиги асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, шунингдек тадқиқот объекти ва предмети шакллантирилган, тадқиқотнинг ЎЗР фан ва технологияси ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари ёритилган, тадқиқот натижаларини амалий соғлиқни сақлашга татбиқ этиш борасида, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг «**Гепатитларни даволаш ва гепатопротекторлар ҳақидаги замонавий ҳолат**» деб номланган биринчи бобда токсик гепатитлар ва уларни даволашнинг асосий тамойиллари, хитозаннинг тавсифи ва хитозан ҳосилаларини тиббиётда қўллаш имкониятлари ҳақида илмий маълумотлар берилган. Ишда келтирилган барча адабиёт маълумотлари умумлаштирилган, тизимлаштирилган ва ўрганилган. Келгуси ечимларни талаб қиладиган долзарб масалалар кўриб чиқилган. Адабиётларни таҳлил қилиш натижасида ушбу масалага оид ҳал этилмаган муаммолар аниқлаштирилган.

Диссертациянинг «**Экспериментал материал тавсифи ва тадқиқот услубларининг баёни**» деб номланган иккинчи бобда ўрганилаётган материалнинг умумий тавсифи ва қўлланилган тадқиқот услублари кўрсатилган. Тадқиқот замонавий биокимёвий ва морфологик услубларга асосланган. Хитозан бир қатор ноёб (ҳайвон тўқималарига юқори мослиги, биодеградацияга учраши, токсиклиги йўқлиги, бактерицидлиги,

антикоагулянт таъсири, радионуклидлар ҳамда оғир металларни боғлаб олиш ва чиқариб ташлаш ва бошқа) хусусиятларга эга бўлган кўп функцияли бирикма саналади. Нанозаррачалар — ультрадисперс уч ўлчамли, ўлчами 1дан то 100 нанометргача бўлган заррачалар бўлиб, улар хужайраларга кириш, молекулалар билан боғланиш ва дори воситаларни ташиш, юқори юза фаоллигига ва функционаллашиш хусусиятига эга. Хитозан намуналари (ЮМХ, ПМХ, ХНА ва ХНС НИИХиФП ходимлари Р.Ю. Милушева ва В. Рахимова томонидан тақдим этилди.

Тажрибалар ҳайвонлар билан инсоний муносабатда бўлиш Хелсинки декларацияси (Страсбург, 1985) ва «ТТА илмий-тадқиқот ишларида ва ўқув жараёнида лаборатор ҳайвонлардан фойдаланиш тартиби ҳамда биотиббидет этикаси талабаларини жорий қилиш услублари Низоми» талабларига мувофиқ амалга оширилди. Олдимизга қўйилган масалалар ечимига эришиш учун ТТА Марказий илмий тадқиқот лабораториясининг фармакология ва токсикология лабораториясида профессор А.Х. Рахмонов бошчилигида стандарт овқатланиш тартибида бўлган, тана вазни 160-180 гр, жинсий етилган эркак каламушларда тажрибалар олиб борилди. Интакт гуруҳни бир вақтда туғилган 18 та каламуш ташкил қилди. Жигарнинг ўткир токсик шикастланишини (ЎТГ)ни чақириш учун 178 та каламушларга CCl_4 тана вазнига нисбатан 2,5 мл/кг дозада 4 марта 4 кун давомида тери остига юборилди (Абдуллаев Н.Х., Каримов Х.Я., 1989). Жигарнинг токсик шикастланиши ривожланганлиги ҳақида этаминал уйқу наркози давомийлиги ва қон зардобдаги ананин- (АлАТ) ва аспартатаминотрансфераза (АсАТ) ферментлари фаоллиги билан баҳоланди. Токсикантни юбориш якунига келиб ўлим кузатилмади. Фармакотерапияга токсикантни охирги киритилишидан 24 соат ўтгач фармакотерапия ўтказилди. Бир хил шароитда тажрибаларнинг 3 та серияси амалга оширилди. 1-серияда (84 та каламуш) ЎТГ моделида ЮМХ, ПМХ, ХНА ва ХНСни 10 мг/кг, 25 мг/кг ва 50 мг/кг дозаларда оғиз орқали 6 кун давомида киритиш йўли билан текширилаётган препаратларнинг самарали терапевтик дозасини танлаш амалга оширилди. 2-серияда (76 та каламуш) ЎТГ моделида ЮМХ, ПМХ, ХНА ва ХНСни 12 кун давомида 10 мг/кг, 25 мг/кг ва 50 мг/кг дозаларда оғиз орқали юбориш билан ўрганилаётган препаратларнинг самарали терапевтик дозаси танланди. Иккала серияда ҳам дори воситаларининг гепатопротектив фаоллиги этаминал накрроз давомийлиги бўйича баҳоланди. Тадқиқотларнинг 3-сериясида 36 та каламушда дориларнинг гепатопротектив таъсирининг молекуляр механизми ўрганилди. Бунинг учун токсикант охирги марта киритилгандан 24 соат ўтгач ҳайвонлар 4 гуруҳга бўлинди: 1-гуруҳ (назорат гуруҳи; ЎТГ+плацебо), 2-гуруҳ (таққослаш гуруҳи; ЎТГ+карсил 100 мг/кг дозада), 3-гуруҳ (тажриба гуруҳи; ЎТГ+ПМХ 25 мг/кг дозада) ва 4-гуруҳ (тажриба гуруҳи; ЎТГ+ХНС 10 мг дозада). 5-интакт гуруҳ. Препаратлар 12 кун давомида ошқозон ичига юборилди. Барча серияларда таққослаш препарати сифатида классик гепатопротектор карсил 100 мг/кг дозада ишлатилди.

Препаратларни охирги марта юборишдан кейин 24 соат ўтгач энгил эфир наркози остида ҳайвонлар декапитация усули билан жонсизлантирилди. Қон зардобидида умумий оқсил, албуминлар, билирубин, умумий холестерин, учацилглицеридлар (ТАГ), С-реактив оқсил (СРО) миқдорлари, тимолли синама, шунингдек, АлАТ, АсАТ, гамма-глутамилтранспептидаза (ГГТП), ишқорий фосфатаза (ИФ) фаоллиги MINDRAY BA-88A (Хитой) биокимёвий анализаторида CYPRESS Diagnostics фирмаси (Белгия) реагентлари ишлатилган ҳолда, Nf-κB (Human NF-κB p105 (Nuclear Factor Kappa-B p105 subunit (ELISA Kit — Elabscience, E-EL-H1386)) ва sFASL (Factor-Related Apoptosis Ligand (ELISA Kit — Elabscience E-EL-H0068) оқсилларига антитаначалар миқдори имунфермент услубида HUMA READER имунфермент анализаторида аниқланган. МДА миқдори А.И. Андреева ва ҳаммуал. усули (1988), каталаза фаоллиги М.И. Королёк ва ҳаммуал. (1988) усули бўйича аниқланган. Патоморфологлар билан биргаликда гистологик тадқиқотлар учун 3-сериядаги ҳар бир ҳайвондан жигарнинг бир хил бўлимлари танлаб олинди ва 10% формалин, этил спирти ва сирка кислотаси аралашмасига жойлаштирилди. Яллиғланиш жараёнининг некрози ифодаланганлигини морфологик баҳолаш Knodel бўйича (Солов С.В., Шварцман З.Д., 2017) ўтказилган. Рақамларни статистик қайта ишлаш параметрик ва параметрик бўлмаган кўрсаткичлар ёрдамида амалга оширилди. Бунда Студент-Фишер тести қўлланилди.

Диссертациянинг «**Хитозан ҳосилаларининг гепатопротектив таъсирининг баъзи механизмлари**» деб номланган учинчи боби, бир нечта кичик боблардан ташкил топган учинчи бобида тадқиқот натижалари берилган. «*Тетрахлорметанли ўткир гепатит моделида хитозаннинг турли ҳосилалари гепатопротектив дозасини аниқлаш*» деб номланган 1-кичик бобда Фармакологик кўмита талабларига мувофиқ, ўрганилаётган дори воситаларининг терапевтик дозасини белгилаш учун ЎТГли каламушларга ЮМХ, ПМХ, ХНА ва ХНСни 6 кун 3 та концентрацияси: 10 мг/кг, 25 мг/кг ва 50 мг/кг қўлладик, ҳамда скрининг баҳолашда натрий нембутални ишлатдик.

Назорат гуруҳида токсикантни якуний қўллашдан 24 соат ўтгач этаминалли наркознинг уйқу давомийлиги $74,66 \pm 4,21$ дақиқадан (интакт гуруҳи қиймати) $302,85 \pm 8,27$ дақиқагача ($P < 0,001$) узайди. Тажрибанинг 10-қунига келиб бу кўрсаткич бироз пасайиб $200,33 \pm 5,82$ дақиқани ташкил этди. ЎТГли ҳайвонларга карсилни 100 мг/кг дозада 6 кун юбориш наркоз давомийлигини $116,50 \pm 6,26$ дақиқагача қисқартирди ($P < 0,01$) ва интакт гуруҳи кўрсаткичларидан 1,48 ($P < 0,05$) марта юқори бўлди. ЎТГли ҳайвонларга ЮМХни 10; 25 ва 50 мг/кг дозада киритиш этаминалли наркоз муддатини $139,00 \pm 3,39$; $147,17 \pm 2,52$ ва $151,17 \pm 3,56$ ($P < 0,05$) дақиқагача қисқартирди. Бирок, кўрсаткичлар статистик ишонарли интакт каламушларниқидан 1,65; 1,87 ва 1,92 марта юқорилигича сақланиб қолди. ПМХнинг 10; 25 ва 50 мг/кг дозаларда киритилиши бу кўрсаткични $144,83 \pm 3,31$; $130,0 \pm 3,33$ ва $148,33 \pm 2,74$ дақиқагача қисқартирди, аммо улар интакт каламушлар қийматларидан 1,84; 1,64 ва 1,88 марта ($P < 0,01$) давомли бўлди. ХНАнинг 10; 25 ва 50 мг/кг дозаларда юбориш этаминал наркози

давомийлигини $158,67 \pm 7,28$; $147,50 \pm 10,44$ ва $134,83 \pm 12,02$ ($P < 0,05$) дақиқагача қисқартирди. Аммо, бу кўрсаткичлар интакт каламушларнинг қийматларидан статистик ишонарли 2; 1,87 ва 1,73 мартаба юқори бўлиб қолди. ЎТГли хайвонларга ХНСнинг 5; 10; 25 ва 50 мг/кг дозаларида юборилганида уйқу давомийлиги $134,67 \pm 2,46$; $100,83 \pm 4,51$; $130,50 \pm 5,01$ ва $146,67 \pm 5,08$ дақиқаларни ташкил этди. Бирок, интакт каламушлар қийматларидан 1,71; 1,28; 1,65 ва 1,86 марта давомийлигича сақланиб қолди. Олинган натижалар хитозан ҳосилалари орасида гепатопротектор жиҳатидан энг истиқболли бўлиб ХНС (10 мг/кг) ва маълум бир даражада ПМХ (25 мг/кг) ҳисобланади. ХНС анча эътиборга молик, сабаби у бошқа препаратларга нисбатан жуда паст дозада (10 мг/кг) ҳам гепатопротектив таъсир кўрсатади, бошқа хитозан ҳосилалари эса 2,5 баравар юқори дозада таъсир қилади.

Юқоридаги натижалардан келиб чиққан ҳолда, биз кейинги тажрибалар сериясида ЮМХ, ПМХ, ХНА ва ХНСларнинг юқоридаги дозалари 12 кун давомида қўлланилиши самарадорлигини текширдик. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, каламушларнинг назорат гуруҳида ушбу босқичда этаминалли наркоз давомийлиги интакт каламушларда олинган $74,66 \pm 4,21$ дақиқадан фарқли $180,33 \pm 5,97$ дақиқагача узайди, бу меъёрий қийматлардан 2,42 баравар юқори ($P < 0,001$). ЎТГ+карсил, ЎТГ+ЮМХ, ЎТГ+ПМХ, ЎТГ+ХНА ва ЎТГ+ХНС гуруҳларида этаминалли уйқу давомийлиги $95,17 \pm 4,47$; $133,50 \pm 5,54$; $114,17 \pm 5,47$; $131,41 \pm 10,54$ ва $110,83 \pm 4,15$ дақиқагача қисқарди, аммо интакт каламушлар қийматларидан 1,27; 1,4; 1,2; 1,41 ва 1,16 ишонарли даражада давомийли бўлди.

«Хитозан ҳосилаларининг гепатопротектив хусусиятларини тетрахлорметанли ўткир гепатит моделида ўрганиш», деб номланган 2-кичик бобда танланган дори воситаларининг биокимёвий кўрсаткичларга таъсири натижалари тақдим этилган. Экспериментларнинг ушбу сериясида биз фақат энг самарали дорилар ва дозаларни қўлладик: ПМХ (25 мг/кг) ва ХНС (10 мг/кг), ҳамда таққослаш препарати карсил 12 кун қўлланилди. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ЎТГли назорат гуруҳидаги каламушлар қон зардобида умумий оқсил миқдорининг пасайишига моиллик аниқланди. Қўлланилган ПМХ ва ХНС препаратлар унинг даражасини бироз оширди, карсил эса бундай таъсир кўрсатмади. ЎТГли каламушларда албумин миқдори интакт каламушларнинг қийматларига нисбатан статистик жиҳатдан ишонарли даражада 1,39 марта камайди ($P < 0,05$). ЎТГнинг карсил билан фармакотерапиясида, биз қон зардобида фақат албумин даражасининг даволанмаган гуруҳга кўрсаткичига нисбатан ортишига моилликни кузатдик. Худди шундай ўзгаришлар ПМХни 25 мг/кг дозада қабул қилган каламушлар гуруҳида ҳам кузатилди. Бу кўрсаткич интакт каламушлар қийматларига нисбатан 1,27 ($P < 0,05$) марта пастроқ бўлди. Шу билан бирга, ХНСни қўллашда жигарнинг синтетик функцияси 1,18 мартаба ортди. ЎТГ ли каламушларнинг қон зардобида глобулинлар миқдорини ортиб боришига мойиллик кузатилиб, тажриба хайвонларининг жигар паренхимасида яллиғланиш жараёнларининг мавжудлигини кўрсатади. Фақат карсил ва ХНС бу кўрсаткични интакт каламушлар қийматларига яқинлаштирди.

ЎТГли каламушларнинг қон зардобида тимол синамаси ва СРО миқдори мос равишда 2,34 ($P<0,001$) ва 4,77 ($P<0,001$) марта ортиб, бу жигарда кучли яллиғланиш мавжудлигини кўрсатади. Карсил препарати тимол синамаси ва СРО даражасини назорат гуруҳидаги қийматларига нисбатан мос равишда 1,52 ($P<0,05$) ва 1,26 ($P<0,05$) мартага камайтирсада, интакт каламушларнинг қийматларидан мос равишда 1,4 ($P<0,05$) ва 3,67 ($P<0,001$) марта юқори бўлди. ПМХ билан фармакотерапия тимол синама ва СРО даражасини назорат гуруҳидаги қийматларга нисбатан жиддий тарзда 1,92 ($P<0,001$) ва 1,64 ($P<0,01$) марта камайтирди. Бироқ, интакт каламушларнинг қийматларига солиштирганда, бу кўрсаткичлар мос равишда 1,21 ($P<0,05$) ва 2,91 ($P<0,001$) марта юқориликча сақланиб қолди. ХНС билан фармакотерапия тимол синамаси ва СРО даражасини назорат гуруҳидаги қийматларга нисбатан сезиларли даражада 2,01 ($P<0,001$) ва 2,04 ($P<0,001$) марта камайтирди. Агар ХНСдан фойдаланганда тимол синамасининг қийматлари интакт каламушларнинг кўрсаткичларига яқинлашган бўлса, СРО миқдори улардан 2,34 ($P<0,001$) мартаба юқори бўлди.

ЎТГли каламушлар қон зардобида умумий билирубин миқдори 3,66 марта ($P<0,001$) ортди. Бу ҳолат жигар паренхимасининг шикастланиши ҳисобига билирубиннинг глюкуроидлари биосинтезини ва конъюгирланган билирубиннинг сафрога секрециясини бузилиши билан боғлиқ деб тахмин қилиш мумкин. ЎТГни карсил билан фармакотерапияси қон зардобидаги умумий билирубин миқдорининг 3 мартаба пасайишига олиб келди ($P<0,001$) ва интакт каламушлар қийматиға яқинлашди. ПМХ қўлланилганда умумий билирубин миқдори назорат гуруҳидаги қийматларга нисбатан статистик жиҳатдан 2,31 мартага ($P<0,001$) камайди. Бироқ, бу кўрсаткич интакт каламушлар гуруҳи қийматларидан 1,58 баравар юқориликча сақланиб қолди ($P<0,01$). ХНС қўлланилганида билирубиннинг юқори даражаси 2,72 марта камайди ($P<0,001$), таққослаш гуруҳининг қийматларидан фарқланмади ва интакт каламушлар кўрсаткичларидан 1,34 марта ($P<0,05$) юқори бўлди.

ЎТГ чақирилган каламушлар қон зардобидаги ТАГ миқдори интакт каламушлар қийматларига нисбатан 1,85 бараварга ($P<0,01$) ошди. Ўрганилаётган барча препаратлар ТАГнинг юқори даражасини пасайтирди: карсил – 1,92 ($P<0,001$), ПМХ – 1,56 ($P<0,01$), ХНС – 1,64 ($P<0,01$) ташкил қилди. ЎТГли каламушларнинг қон зардобида умумий холестерин миқдори интакт ҳайвонлар кўрсаткичларидан 2,08 мартаба юқори бўлди ($P<0,001$). ЎТГни даволашда карсилни қўллаш умумий холестерин миқдорини 1,92 мартаба ($P<0,001$) камайтирди ва интакт каламушлар қийматиға яқинлаштирди. ПМХ ёки ХНС билан даволаш бу кўрсаткични 1,5 ва 1,55 мартага камайди ($P<0,05$), аммо интакт ҳайвонларникиға қараганда 1,39 ва 1,34 мартаба юқори бўлди ($P<0,05$).

Тадқиқотимизнинг кейинги босқичи дориларнинг жигар ферментлари фаолиятиға таъсирини баҳолаш бўлди. ЎТГли ҳайвонлар қон зардобида АлАТ, АсАТ, ИФ ва ГГТП фаоллиги 1,83 ($P<0,001$); 2,73 ($P<0,01$); 3,31 ($P<0,001$) ва 3 ($P<0,001$) мартаба ортди. ЎТГни карсил билан даволаш ўрганилаётган ферментлар фаоллиги мос равишда 1,62 ($P<0,05$); 1,2; 1,43 ($P<0,05$) ва 1,84

($P<0,01$) марта камайди. Агар АлАТ фаоллиги интакт каламушларнинг қийматларига бироз яқинлашган бўлса, АсАТ, ИФ ва ГГТП фаоллиги улардан 2,28 ($P<0,001$); 2,32 ($P<0,001$) ва 1,64 марта ($P<0,01$) юқориликча сақланиб қолди. ПМХни қўллаш ферментлар фаоллигини 1,94 ($P<0,001$), 1,27 ($P<0,05$), 1,51 ($P<0,05$) ва 1,69 ($P<0,01$) мартага пасайишига олиб келди. Агар АлАТ фаоллиги интакт каламушлар қийматларига яқинлашса, АсАТ, ИФ ва ГГТП фаоллиги улардан 2,15 ($P<0,001$), 2,2 ($P<0,001$) ва 1,78 мартага ($P<0,01$) юқори бўлди. ЎТГли каламушларга ХНСни киритилиши АлАТ, АсАТ, ИФ ва ГГТП фаоллигини мос равишда 1,84 ($P<0,01$), 1,62 ($P<0,01$), 1,82 ($P<0,01$) ва 1,73 ($P<0,01$) мартага пасайишига олиб келди. Агар АлАТ фаоллиги интакт каламушларнинг қийматларига яқинлашса, АсАТ, ИФ ва ГГТП фаоллиги, мос равишда 1,68 ($P<0,01$), 1,82 ($P<0,01$) ва 1,74 ($P<0,01$) мартага улардан юқориликча сақланиб қолди. Олинган натижалар ЎТГни даволашда ХНС самарадорлиги карсилдан қолишмаслигини кўрсатди.

Диссертациянинг «Тетрахлорметанли ўткир гепатит моделида хитозан ҳосилаларининг гепатопротектив таъсири механизмларини ўрганиш» деб номланган 3-кичик бобида ЁПО ва апоптоз кўрсаткичларини ўрганиш орқали хитозан ҳосилаларининг гепатопротектив таъсирининг баъзи механизмлари кўриб чиқилди. ЎТГли каламушларнинг қон зардобидаги МДА миқдори интакт каламушлар қийматига нисбатан 172,9% ($P<0,001$) ўсишини кўрсатди (1-жадвалга қаралсин). Каталаза ферменти фаоллиги 52,1% ($P<0,01$) пасайишини кузатилди.

1-жадвал

Тажриба ҳайвонлари қон зардобида малон диаальдегиди миқдори ва каталаза фаоллиги, $M\pm m$, $n=8$.

Гуруҳлар	МДА миқдори, нмол/мл		Каталаза фаоллиги, мкат/л	
	$M\pm m$	P1/P2	$M\pm m$	P1/P2
Интакт	1,520±0,107		28,13±1,77	
ЎТГ+Н ₂ O	4,253±0,176	0,001	13,32±0,91	0,01
ЎТГ+карсил	2,288±0,132	0,02 0,002	20,46±0,97	0,03 0,02
ЎТГ+ПМХ	2,675±0,153	0,02 0,01	17,98±1,56	0,02 0,05
ЎТГ+ХНС	2,222±0,141	0,02 0,002	21,54±0,82	0,05 0,01


Эслатма: P1 – интакт ва экспериментал гуруҳлар кўрсаткичлари ўртасидаги фарқларнинг ишонарлилиги, P2 – даволанган ва даволанмаган гуруҳлар кўрсаткичлари ўртасидаги фарқларнинг ишонарлилиги.

ЎТГнинг карсил билан экспериментал фармакотерапиясида МДА миқдори назорат гуруҳидаги қийматларга нисбатан 44,2% ($P<0,05$) камайди. Бироқ, бундай ижобий ўзгаришларга қарамай, МДА миқдори интакт гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан 52,3% ($P<0,01$) юқориликча қолди. Шу билан бирга, каталаза фаоллиги назорат гуруҳининг қийматларига нисбатан 51,1% ($P<0,01$) ошди, аммо интакт гуруҳ қийматларига нисбатан 27,7% ($P<0,05$) паст

бўлди. ЎТГни ПМХ фармакотерапиясида МДА миқдори даволанмаган гуруҳ қийматларига нисбатан 40,4% ($P<0,05$) камайиди, аммо интакт каламушлар кўрсаткичларидан 62,6% ($P<0,01$) юқори бўлди. Каталаза фаоллиги 29,9% ошди ($P<0,05$), аммо интакт каламушлар гуруҳининг қийматларидан 37,8% ($P<0,05$) пастлигича сақланиб қолди. ЎТГни ХНС билан фармакотерапияси даволанмаган гуруҳ қийматларига нисбатан МДА миқдорини 45,5% ($P<0,05$) пасайтирди, интакт каламушлар кўрсаткичидан эса 48,6% ($P<0,01$) юқори бўлди. Каталаза фаоллиги 58,6% ($P<0,01$) ошса ҳам, интакт каламушлар гуруҳи қийматларидан 24,1% ($P<0,05$) паст бўлди. Демак, ХНС антиоксидант самарадорлиги таққослаш гуруҳининг қийматларидан юқори эди.

